Фузаилов Сиддиқ — Тошкент давлат университети қошидаги Малака ошириш институти доценти, филология фанлари номзоди

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1999 йил 25 август.

Ватан сеҳрли оҳанглар оғушида

Мана, дунёдаги минглаб мусиқа шайдолари орзиқиб кутган дамлар ҳам етиб келди. Тез кунларда қадимий ва навқирон Самарқанд шаҳрида иккинчи марта «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали очилади. Мустақиллигимизнинг 8 йиллигини нишонлаётган халқимиз ва дунёга ўзи-

«Шарқ тароналари» II Халқаро мусиқа фестивали

нинг меҳмондўстлигини намоён этган фирдавсмонанд шаҳар бир ҳафта давомида сеҳрли оҳанглар ва қўшиқлар оғушида бўлади.

— Бу галги фестивалимиз аввалги анжумандан тубдан фарқ қилади, — дейди мусиқа фестивалининг постановкачи режиссёри, Ўзбекистон халқ артисти Баҳодир Йўлдошев.— Унда қарийб 40 га яқин давлатлардан санъаткорларнинг иштирок этиши ва 50 га яқин мамлакатга ойнаи жаҳон орқали тўғридан тўғри намойиш этилиши фестивалнинг нуфузи ортиб бораётганлигидан далолат беради. Бу йилги спектаклда ХХI аср бўсағасида турган Ўзбекистоннинг мавқеи, ўрни, унинг янги асрдаги тараққиёти, йўналиши намоён этилади. Хусусан, «бу ажиб дунё» деб номланган театрлаштирилган дастурда Шарқ халқлари маданияти, маънавияти ва иқтисодий ривожига салмоқли ҳисса қўшган халқлар тарихини ифода этишга ҳаракат қиламиз. Дастур устида таниқли режиссёрлар Н. Абдурахмонов, М. Хачатуров ва бош балетмейстр Ҳ. Муҳиддиновалар тер тўкиб меҳнат қилишмоқда. Саҳнада таниқли санъаткорлар билан бирга икки минг нафарга яқин ёш йигит-қизлар оммавий кўринишларда иштирок этадилар.

Таъбир жоиз бўлса айтиш мумкинки, «Шарқ тароналари» мағрур халқимизнинг музаффар иродаси, қадриятлари, буюк ўтмиши, саодатли келажагининг рангин оҳанглари ва садолари бўлиб юрагимизда, шуурримизда ўчмас из қолдиради.

Лутфулла МАМАСОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

BS

«Бурсел»Холдинг компанияси жамоаси

Ўзбекистон халқини Мустақиллик байрами билан муборакбод этади.

Барчангизга тинчлик, бахт-саодат, оилавий тотувлик, ишларингизда улкан муваффақиятлар тилаймиз. Ушбу байрам ҳар бир хонадонга осойишталик ва барака, хурсандчилик олиб кирсин! Ватанимизнинг буюк келажагини кўриш бахти ҳаммамизга насиб этсин.



«Бурсел» холдинг компанияси жамоаси

Имконият яратилди

Туркиядаги зилзиладан зарар кўрганлар Германияга келиш имкониятига эга бўлишди. Германия ички ишлар вазирлиги вакили айтдики, туркиялик болалар ва Германияда қариндош-уруғлари яшайдиган кишилар ушбу мамлакатга махсус визасиз ҳам келаверишлари мумкин. Бу мамлакатда яшовчи турклар икки миллиондан ортиқдир. Германия зилзиладан зарар кўрган туманларга ёрдам беришда катта ҳисса қўшиб келмоқда.

(Би-Би-Си)



Кучли тўфон бўлиши кутилмоқда

АҚШ миллий об-ҳаво хизмати хабар қилдики, мамлакатнинг жанубий чегараларига «Брэт» тўфони яқинлашиб келмоқда. У 1992 йилда бўлган машҳур «Эндрю» тўфонидан ҳам кучлироқдир. «Эндрю» тўфони АҚШ тарихида юз берган даҳшатли тўфон бўлиб мамлакатга 27 миллиард доллар зарар келтирганди. «Брэт» тўфони эса жуда катта ҳалокат келтириши мумкин, деб огоҳлантиради миллий об-ҳаво хизматининг расмий вакили Жеймс Хоук. «Брэт» тўфони марказида шамол қудрати доимий бўлиб, унинг тезлиги соатига 225 километрга етади. Ҳозирча тўфон Мексика қўлтиғида. У Техас қирғоқларидан юз километр узоқда. Экспертларнинг таҳмин қилишларича, «Брэт» натижасида сув тошқинлари ҳам бўлиши мумкин. Масалан, ҳозирги пайтда Мексика қўлтиғида сув тўлқини 7 метргача кўтарилмоқда. АҚШ фавқулодда вазиятлар бўйича миллий агентлиги ходимлари зарар миқдорини камайтириш учун тайёргарлик ишларини бошлаб юборишди. Одамларни кўчириш зарур эканлиги таъкидланди.

(РИА «Новости»)

Гуруҳ раҳбарлари билан учрашувлар

Фаластин раҳбари Ёсир Арафот Қоҳирада Фаластинни озод этиш демократик фронти сиёсий гуруҳининг раҳбари Найеф Наватмех билан учрашди. Улар Исроил билан тинчлик жараёнига ёндашишнинг ягона йўлини излашга ҳаракат қилишди. Наватмех Исроил билан 1993 йилдаги келишувни рад этди. Шу боис у Исроил давлатини тан олмаслигини айтди. У Исроил билан музокаралар Ослода қабул қилинган ҳужжатларга биноан эмас, балки БМТ Бош Ассамблеяси резолюцияларига биноан олиб борилиши керак, деди. Бу учрашув олдидан Арафот Суриядаги Фаластин озодлиги халқ фронти гуруҳи раҳбарлари билан тотувлик юзасидан музокаралар олиб борди. Мухбирларнинг хабарларига кўра, жангариларнинг раҳбарлари Сурия ҳукумати уларни узоқ муддат қўллаб-қувватлай олмаслигини тушунадилар. Шу боис ҳам улар сиёсий жараёнга қўшилишга мажбур бўладилар.

(Би-Би-Си)

1999 йил пахта ҳосилини йиғиштириб олишни юқоқлик билан ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда)

машинада терилган пахта учун — камида 100 сўм миқдорида ҳақ тўлайдилар.

Пахта терими учун ҳисоб-китоб қилишда аниқ нархномалар ҳар бир хўжалик бўйича маҳаллий шароитларни ва хўжаликларнинг ўзларининг имкониятларини ҳисобга олган ҳолда белгиласин.

Хўжаликларга, уларда молиявий ресурслар мавжуд бўлганда, айрим ҳолларда пахта йиғим-терими тугалланиши даврида меҳнатга ҳақ тўлашнинг ошиб борувчи коэффициентларини белгилаш ҳуқуқи берилсин.

Теримчилар ва пахта териш машиналарининг механик-ҳайдовчилари билан ҳар беш кунда ҳисоб-китоб қилинсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси, Марказий банк, «Пахта-банк» ва бошқа тижорат банклари теримчилар ва пахта териш машиналарининг механик-ҳайдовчилари билан, шунингдек, пахтани юклаш, тушириш, тайёрлаш, транспортда ташиш, жойлаштириш ҳамда ишлов бериш, пахта териш техникасига техника хизмати кўрсатиш ва тузатишда банд бўлган ходимлар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш учун хўжаликларни, машина-трактор паркларини, тайёрлов пунктларини, пахта тозалаш заводларини меҳнатга ҳақ тўлашнинг идора ички нормативлари бўйича нақд пул билан таъминласинлар.

11. «Ўзқишлоқхўжаликмашхолдинг» холдинг компанияси ва «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат-кооператив қўмитаси пахта йиғим-терими мавсумида қатнашувчи пахта териш машиналари ва бошқа техникаларнинг узлуксиз ишлаши учун пахта экувчи хўжаликларга ва машина-трактор паркларига амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида вилоятларга саноат корхоналарини бириктириб қўйсинлар.

12. «Ўзнефтмаҳсулот» акциядорлик компанияси (Аҳмедов) йиғим-терим ишларини бажариш, пахтани транспортда ташиш ва ишлов бериш учун хўжаликларга, машина-трактор паркларига ва пахта тозалаш саноати корхоналарига зарур бўлган миқдорда ёнилғи-мойлаш материаллари узлуксиз етказиб берилишини таъминласин.

13. «Ўзбекбирлашув», «Ўздонмаҳсулот» давлат корпорацияси қишлоқ аҳолисини, айниқса, пахта йиғим-терими қатнашчиларини озиқ-овқат ва бошқа ҳалқ истеъмоли товарлари билан таъминлаш масалаларини ўз вақтида ҳал қилсинлар.

14. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги пахта йиғим-теримида банд бўлган ходимларга мунтазам равишда тиббий ёрдам кўрсатишни таъминласин.

15. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги ҳосил йиғим-терими даврида теримчиларга маданий хизмат кўрсатишни ташкил этсин, санъат усталари ва адабиёт намояндаларининг хўжаликларга боришларини назарда тутсин.

16. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б. Олимжонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1999 йил 24 август

Кимники узоққа отиларкин?

Американинг Делавэр ва Иллинойс штатларида ҳар йили ошқовоқ отиш мусобақаси бўлиб ўтади. Ошқовоқни отиш учун эса ўзлари ясаган турли қурилмалардан (катапульта, пневматик пушка ва ҳоказолар) фойдаланиши мумкин, фақат портловчи моддалардан фойдаланилмаса бўлгани.

Бугунги кунда америкалик фермерлар ушбу мусобақа учун ошқовоқнинг қаттиқ, алоҳида янги навини яратишган. Унинг ҳар бирини мусобақа иштирокчиларига 200 доллардан пуллашмоқда.

Бу мусобақада рекорд кўрсаткич 1997 йили ўрнатилган. Ўшанда ошқовоқ 1130 метру 27 сантиметрга отилган эди. Ўшандан бери бу рекордни янгилай оладиган зўр ошқовоқотар топилмаяпти.

❖ «Гиннес»дан кўчирмалар

1968-1972 йилларда чоп этилган Британия парламентининг ҳужжатлари дунёда энг йирик нашр ҳисобланади. У 1112 томдан иборат бўлиб, оғирлиги 3 тоннадир. Уларни ўқиб чиқиш учун 6 йил вақт керак, шундаям ҳар куни 10 соатдан тинмай ўқиса. 500 тўпламни ташкил этган бу нашрнинг муқоваснга 34 минг ҳинд эчкисининг териси сарфланган.

* * *

Энг улкан луғат эса немисларга тааллуқли. Уни тузиш 1854 йили машҳур эртакчи ака-ука Гриммлар томонидан бошланган бўлиб, 1971 йили якунланган. Ва шундай қилиб, луғат 33 томдан иборат бўлди. Инглизларнинг луғати эса 20 томни ташкил этади.

* * *

1976 йили Американинг Денвер шаҳрида баҳайбат китоб нашр этилган. Бу «Суперкитоб»нинг ҳажми 2,74х3,07 метр бўлиб, 252,6 килолик тош босади. Саҳифалари 300 бетдан иборат.

* * *

Шунингдек, дунёда митти китоб ҳам бор. У 1985 йили Англияда 85 нусхада чоп этилган бўлиб, ҳажми 1х1 миллиметрдир. Унда болалар эртаклари ўрин олган. Уни фақат игна ёрдамида, шундаям жуда эҳтиёткорлик билан варақлаш мумкин.

Ишончли ҳамда безарар

Инсон турмушини енгиллаштирувчи, кундалик ҳаётда асқотадиган технологияларни яратиш жараёни ҳозир дунё бўйича кенг авж олган тамойилдир. Америка Қўшма Штатлари бу борада ўз технологияси, юқори малакали мутахассислари ва уларнинг нодир кашфиётлари билан дунёда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди.

Айни пайтда АҚШ энергетика инқилоби бўсағасида турибди, дейиш мумкин. Бунга мамлакатда арзон энергия ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлган шахсий генераторларнинг оммавий тарзда қўллана бошлангани сабаб бўлмоқда. Ушбу генераторлар одамларни кундалик ҳаётда катта аҳамиятга эга бўлган электр энергияси билан таъминлайди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, генераторнинг ўзига хос хусусияти унинг ихчамлигидадир. Катталиги кир ювиш машинасидай келадиган генераторлар уй ва қасрларни, шунингдек, унчалик катта бўлмаган компания ва кичик корхоналарни электр энергияси билан таъминлаш қувватига эга.

Бундан ташқари, янги генераторлар юқори даражада фойдалилиги, ишончлилиги ҳамда экологик жиҳатдан безарар экани билан ҳам диққатга сазовор. Эдисон электроэнергия институтининг энергетика сиёсати бошқармаси директори Чак Линдерманнинг таъкидлашича, бундай ихчам генераторлар улкан электр станцияларининг ўрнини боса олади. Мутахассислар ушбу генераторларнинг омма томонидан фойдаланилишини мамлакатда кенг кўлам олган шахсий компьютерлар ва уяли телефон тармоқларининг тез ривожланишига қиёсламоқда.

Ҳозир «Макдоналдс» тамаддихоналари, банк бўлимлари ҳамда ишлаб чиқариш компаниялари янги электр манбаидан фойдаланишни йўлга қўймоқда. Шу билан бирга АҚШнинг бир қатор штатларида кўплаб коммунал хизмат компаниялари ҳам мазкур генераторларни ўрнатиш ва ишга туширишни режалаштирган.

Айрим кузатувчиларнинг фикрига кўра, ушбу генераторларнинг хонадонларда ишлатилиши энергетика соҳасида кескин бурилиш ясаши мумкин.

Нью-Йоркнинг Латам шаҳридаги «Плаг пауер» компанияси жорий йилнинг август ойидан бошлаб генераторларни уй шароитида синаб кўриш мақсадида уларни хонадонларга ўрната бошлади. Компания мутахассисларининг ҳисоб-китобига кўра, генераторлар фақат бир ярим йилдан кейин чакана савдога чиқарилади. Маҳсулот нархи 4 минг АҚШ доллари миқдорида белгиланиши кутилмоқда.

«Тошкентмебель»
акциядорлик жамияти жамоаси

меҳнатсевар ва бағри кенг халқимизни озодлик ва эркинлик нашидаси – Мустақилликнинг саккиз йиллиги билан самимий қутлайди.

Мустақиллик туфайли Ўзбекистонимизда мебелсозлик саноати гуркираб ривожланмоқда. Бинобарин, биз бемалол хорижий мамлакатларга чиқиб, Европанинг илғор фирмаларидан тажриба ўрганмоқдамиз. Хорижий шериклар билан қўшма корхоналар ташкил этиб, замонавий мебеллар ишлаб чиқаряпмиз. Эндиликда юртдошларимиз чет эл мебелини қидириб юришларига ҳожат қолмади. Ўзимизнинг мебелларимиз бежиримлиги, гўзаллиги ва пишиқ-пухталиги билан ҳаммага манзур бўлаётир. Ватандошларимизни байрам билан қутлар эканмиз, ҳамма хонадонларда тўйлар бўлишини истаймиз.

Бизнинг ишлаб чиқарган мебелларимиз келин-куёвларнинг уйларига кўрк-тароват бахш этаверсин!







Қишлоқларни эмас, фоизни биладиган раҳбарлар

Музработ туманида аҳолини табиий газ ва ичимлик сув билан таъминлашдаги совуққонликнинг сабаби нимада?

Аччиқ, аммо очиқ гаплар

Албатта, адолат нуқтаи назаридан гапирадиган бўлсак, истиқлолнинг илк кунлариданоқ, аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш, ижтимоий қўллаб-қувватлашга жиддий эътибор берилди. Аҳолини табиий газ билан таъминлаш, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш тўғрисидаги Президент Фармони бу борада ташланган дастлабки қадам бўлди. Ўтган йиллар давомида Сурхондарёнинг ўнлаб қишлоқ ва қўрғонлари газлаштирилди, энг чекка овулларига ҳам ичимлик суви олиб борилди. Лекин мустақиллик берган имкониятлардан ҳамма жойларда ҳам бир хил фойдаланилаяпти деб бўлмайди. Тегишли раҳбарларнинг ишига бўлган эскича муносабати, фақатгина режа ва фоизнинг орқасидан қувиш, ишчи ва деҳқондан яшаш шароитини яхшилаш ўрнига «фидокорона меҳнат талаб қилаётган» жаноблар, меҳнат маҳсулдорлиги айнан шу нарсаларга бориб тақалишини унутиб қўйишганга ўхшайди.

Яқинда аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш ниятида яна бир муҳим ҳужжат қабул қилинди. Бу Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ аҳоли яшаш жойларини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлашни янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридир. Биз шу муносабат билан Музработ туманида бўлиб, бу борада амалга оширилаётган ишлар билан танишиш жараёнида ҳафсаламиз пир бўлди. Туман ҳокимининг саноат ва қурилиш бўйича муовини Баҳодир Бойкелдиевга айрим саволлар билан мурожаат қилишга тўғри келди.

— Туманда нечта қишлоқ бор? Қанчаси газлашган?

— Тўғриси, қишлоқларни мен унчалик билмайман.

— Наҳотки, нечта қишлоқда газ, нечта қишлоқда ичимлик суви йўқлигини ҳокимликдаги одам билмаса?

— Биз кўпинча фоизлар билан ҳисоблаймиз. Туманда 12774 хонадон бўлиб, шундан 8814 таси газлашган. Бу 69 фоизни ташкил этади. Масалан, «Янгиобод» жамоа хўжалиги 90, С.Сатторов номли жамоа хўжалиги 70, А. Қодирий номли жамоа хўжалиги 79, «Туркистон» 63, «Навбаҳор» 18, «Қўнғирот» 49, Р. Бўриев номли жамоа хўжалиги 11, Ат-Термизий номли жамоа хўжалиги 100 фоиз газлашган.

— Кейинги уч йилда туманда неча хонадон газлаштирилган?

— Биласизми, 15,4 км. газ қувури тортилган. Жумладан, бу «Туркистон», «Қўнғирот», «Янгиобод» жамоа хўжаликларида бўлган. «Қўнғирот»дан А. Қодирий номли жамоа хўжалигида 159 мм. сиғимдаги юқори босимли газ қувури тортилаяпти. Бу тугаллангандан сўнг туманда юқори босимли газ қувурлари халқа усулида бир-бирига уланади. Бу йил «Қўнғирот» жамоа хўжалигининг 8-бўлимида 2,2 км, «Туркистон» жамоа хўжалигида 2,7 км. ўрта босимдаги газ қувурлари тортилади.

— «Қўнғирот» жамоа хўжалигидан қувур тортилаётганига бир неча йиллар бўлди. Шахсан ҳокимликнинг ташаббуси билан бу йил қайси хўжаликда ёки маҳаллада газ ва ичимлик суви ўтказиш режага киритилган? Бу борада вилоят газлаштириш идорасига қандай ҳужжатлар тақдим қилинган? Қандай режалар бор?

— Тўғриси, бу нарса режага киритилмаган. Ҳужжат ҳам қилинмаган. Лекин вилоят газлаштириш идорасидан миннатдормиз, ёрдам беришаяпти.

Бу жавобдан сўнг нима дейишни билмай қолдик. Бола йиғламаса, она кўкрагини тутмайди. Ҳозир тумандаги ўнлаб хўжаликлар ёнилғи, минерал ўғит олишга бош қотириб турган бир пайтда аҳолини ичимлик суви, газ билан таъминлаш у ёқда турсин, қишда ҳам, ёзда ҳам енгил машина зўрға ўтиб қайтадиган ўнқир-чўнқир йўлларни текислаб қўйишга ёки тош тўшашга ҳафсала қилишмайди. Тўғриси, тумандаги ўнлаб қишлоқларда ободончилик деган нарсани одамлар ҳам, раҳбарлар ҳам унутиб қўйишган. Шу пайт ҳоким муовини хонасига Ёлғизбоғ қишлоғида истиқомат қилувчи Ж. Тўрақулов, И. Абдимўминовлар кириб келишди.

— Узр, бир дақиқа вақтингизни оламиз. Илгари ҳам уч марта ариза берганмиз, — дея тортиниб гапиришди пенсионер муаллимлар. — Қишлоғимизда беш йилдан буён одамлар сувга ёлчимайди. Ҳоким бобо, шу қишлоқ одамлари 1954 йилдан буён на сувга, на йўлга, на газга ёлчиган. Илгарилари машинада газ балон олиб келишиб тарқатишарди. Ўн йиллар бўлди, бу ҳам йўқолди. Биз орзу қила-қила йигирманчи асрни қаритдик. Қишлоқда болалар, аёллар турли хил касалликка чалинишаяпти. Ҳаммаси ичимлик сувининг йўқлигидан. Шунга бир ёрдам қилсаларингиз...

— Сизлар аризани бизга ёзмасдан, хўжалик раҳбарига мурожаат қилишларингиз керак. Ҳар бир ернинг ўз хўжайини, эгаси борку? — дейди ҳоким муовини.

— Хўжалик раҳбарига ёзишдан фойда йўқ. Биз у кишининг номини тилга олмоқчи эмасмиз. Сабаби ҳеч қандай натижа бўлмайди, — дейишди улар. Иккала нуроний домлани ҳоким муовини бир амаллаб кузатиб қўйган бўлди.

— 77 фоиз аҳоли нуқталари ичимлик суви билан таъминланган, — дейди туман ичимлик суви билан таъминлаш бошқармаси бошлиғи Зафар Ражабов.

— Набиев номли, «Шоликор», Р. Бўриев номли, «Қўнғирот» жамоа хўжаликлари 50 фоиз таъминланган. «Туркистон» жамоа хўжалигининг 3-4-6-бўлимларида, Бешқўтонда ичимлик суви ташиб ичилади. Туманда «Янгиобод» ва С. Сатторов номли жамоа хўжалиги ичимлик суви билан тўлиқроқ таъминланган. Кейинги уч йилда «Деҳқонобод» ва «Янгиобод» жамоа хўжаликларидаги сув қувурлари алмаштирилди.

Худди шу пайтда «Деҳқонобод» жамоа хўжалигига ичимлик суви йўқлиги, одамлар қийналиб қолишганлигидан кимдир шикоят қилди. Зафар Ражабов эса яна ўз дардини тўкиб солди. — Биз сувни ўчириб қўйсак, хўжалик бошлиғи ҳокимга мурожаат қилади. Юқоридан айтишгач ноилож сув берамиз. Бизнинг ташкилотни ҳам ўйлаш керак. Ахир ичимлик суви билан таъминлаш ўз-ўзидан бўлмайди. Бунинг учун бизда етарли маблағ бўлиши керак. Ваҳоланки, С. Сатторов номли, А. Қодирий номли жамоа хўжаликларининг ҳар бири фақат ичимлик суви учун ўн беш миллион сўмдан қарздор. Туман бўйича бу рақам олтмиш миллион сўмни ташкил этади. Аҳоли эса газ тўловидан ўн саккиз миллион сўм қарздор.

Тумандаги бир нечта жамоа хўжаликлари ўтган ўн йиллардан буён ичимлик сувга ёлчимайди. Жумладан, «Шоликор», «Қўнғирот», «Навбаҳор», А. Навоий номли, «Туркистон» жамоа хўжаликларидаги ўнлаб қишлоқларда яшовчи аҳоли хонадонларига ичимлик суви келишини фақат орзу қилишади. «Янгиобод»дан «Қўнғирот» жамоа хўжалигигача борадиган марказий «водопровод» қувури ҳам муддатини ўтаб бўлган. Ана шу йўналишда кунига икки марта аҳолига сув берилади. Кечқурун ва эрталаб. Бу ҳам марказий қўрғон аҳолисига. Ичимлик суви таркиби эса талабга жавоб бермайди. Шу сабабли ҳам кўпгина жонининг қадрини билган раҳбарлар оиласи учун зарур сувни Вандопдан ташиб ичишади. Биз «Халқобод» қишлоқ кенгашида бўлганимизда раисни учрата олмадик. У киши Термизга кетган дейишди. Суҳбат давомида раис муовини Р. Норбўтаев қизиқ воқеани гапириб берди.

Бир гал вилоят марказидан текширишга келиб қолишди. Тушда улар бир пиёла чой ичмоқчи бўлишди. Меҳмоннинг ҳурматига офтобда сув олиб, елкасига сочиқ ташлаб турган киши ҳалиги раҳбарга яқинлашганда у очиқчасига рад этди.

— Ўзимизнинг сувдан олиб кел, — дея буюрди ҳайдовчисига. Ёш йигит махсус идишдаги сувдан келтириб каттасининг қўлига қуйди. Сўнгра мен «катта» нинг ҳайдовчисидан ўсмоқчилаб сўрадим. Нега у киши краннинг сувига қўл ювмадилар, ахир биз уни кўзга суртиб ичамизку? Катта: «Бу сув ичиш тугул қўл ювишга ҳам ярамайди. «Техническая вода», дейдилар. Бу жавобни эшитиб, анча вақт ўзимга кела олмай юрдим.

«Шабада» маҳалласи туман маркази билан туташиб кетган. Олимпия кўчасидаги хонадонлар газлашган. Ичимлик суви ҳам бор. Лекин зовурнинг нариги бетида бошқача манзара. А. Икромов номли жамоа хўжалигидан токи С. Сатторов номли жамоа хўжалигигача бир нечта қишлоқ жойлашган. «Туркистон» жамоа хўжалигига қарашли бу қишлоқларда аҳоли на газ, на ичимлик сувига ёлчийди. Хўжаликдаги «Шабада», «Чўлқувар», «Бешқўтон» маҳаллаларида ичимлик суви ташиб берилади.

— Қариялар Ёлғизбоғ қишлоғининг ташкил топганига 46 йил бўлган дейишади. Ҳалигача на йўлимиз, на сувимиз, на газимиз ҳал бўлади. Мен 1997 йил май ойидан бошлаб «Шабада» маҳалласига раислик қиламан. Ҳар гал маҳалла йиғинига хўжалик раиси, унинг қурилиш бўйича муовинини таклиф қиламиз. Ёшу қари арз-додини айтади. Раис ваъда беради. Лекин, ҳамма гап оғизда қолиб кетади. Ўша йили газ ўтказиш учун аҳолидан маҳалла фаоллари Мамарайим Зиёдуллаев, Ҳамза Абулқосимовлар 36 минг сўм пул йиғиштириб, раиснинг қурилиш бўйича муовини Н. Алимовга беришган эди. Бу пул фақатгина далада ишламайдиганлардан йиғилган эди. На труба бор, на газ бор. Туман ҳокимлигига ҳам бир неча бор ёзма мурожаат қилганмиз, — дейди маҳалла раиси Н. Кувондиқов.

Дарвоқе, ўша йили ҳар бир бригада ва звено бошига бир ярим минг сўмдан пулга қўл қўйдиришганди. Камина ҳам нега йўқ пулга одамларга имзо қўйдираяпсиз, деб ҳисобчига савол берганимда хўжаликни газлаштирамиз шунга шапка сўраётган эмиш. Агар истамасангиз қўл қўйманг. Бизнинг халқимиз бағри кенг. Ҳашар, ободончилик, хайр-саховат деса устидаги тўнни ҳам ечиб беради. Хўжалик бўйича миллионлар йиғилди-ю, лекин газлаштиришдан дарак бўлмади.

Бир сўз билан айтганда туман аҳолисини ичимлик сув, табиий газ билан таъминлаш бугунги талабга мутлақо жавоб бермайди. Қишлоқ кўчаларига тош тўкиш, асфальт ётқизиш ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

Шу нарса ойдек равшанки, қоғозлардаги фоиз ва рақамлар доим ҳам ҳақиқатга тўғри келмайди. Хусусан, Музработ тумани бўйича бугунги кунда газ ва тоза ичимлик суви билан қанча одам таъминланган? Бу саволга туманда бирор инсон тўғри жавоб беролмайди. Чунки, яна ўша фоизлар, рақамлар келтирилади.

Аммо... ўнлаб қишлоқларда сув қувурлари бўлса-да, жумладан бир томчи сувнинг келмай қўйганига бир икки қовун пишиғи бўлган, газ ҳам худди шундай.

Хуллас, туманда бу борадаги камчиликни четдан келиб тузатиб беришмайди. Мавжуд қишлоқларни ободонлаштириш, газ, сув билан таъминлаш, йўлларга тош, асфальт ётқизиш эртами-кечми шу ердаги раҳбарларнинг зиммасидаги вазифадир. Яна бир гап: аҳолини газ ва ичимлик суви билан таъминлаш, умуман аҳоли турмуш тарзини ўстиришга эътиборсизлик вилоятнинг биргина Музработ туманида эмас, балки Шеробод, Қизириқ, Қумқўрғон, Ангор каби туманларида ҳам пеш эмас.

Хўш, нега шундай? Бутун бошли туман иқтисодиёти аста-секин хўжаликларни тоза ичимлик суви, газ билан таъминлашга имкон бермаяптими?

Албатта, бундай эмас. Гап жон қуйдириб эл учун елиб-югуриб ишламасликда, имконият қидирмасликда.

Қизиғи шундаки, вилоятдаги энг чекка туман раҳбарининг ёки хўжалик раҳбарларининг уйларида йил ўн икки ой газ ҳам бор, шарқираб оқиб турувчи тоза ичимлик суви ҳам!

Хўш, нега ана шу қувурлар ҳар йили ваъдалар билан «овутиб» келинадиган оддий меҳнаткашлар яшайдиган қишлоқларга тортилмайди?

Бу савол нечоғлик аччиқ бўлсада, аммо шунчалик ҳақиқатдир. Зеро, ҳар бир раҳбар элим деб, юртим деб ёниб яшамоғи шарт.

Абдурасул ЖУМАҚУЛ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири,
Сафар ОМОН,
журналист

«Озиқовқатсаноат» уюшмаси ва «JF INTERNATIONAL» ЛТД қўшма корхонаси жамоалари

Гуллаб-яшнаётган диёримизда истиқомат қилаётган азиз инсонларни истиқлол ва эркинликнинг саккиз йиллиги билан чин дилдан самимий қутлайди!

Жаннатмакон диёрда яшаётганимиз учун Яратганга беадад шукроналар айтсак арзийди.

Юртимиз тупроғини зарга қиёс қилишимизнинг боиси шуки, ерга таёқ суқиб қўйсанг, тез орада мева беради.

Юртимизда айни пишиқчилик.

Боғ-роғларда, поёнсиз далаларда етилган болли узумлару камалак ранг мевалар киши кўзини қамаштиради.

Ана шундай гўзал, мафтункор юртимизни янада бой-бадавлат, иқтисодий жиҳатдан баркамол этиш учун биз ҳам астойдил ҳаракат қилаётганимиздан фахрланамиз.

Эл дастурхонини сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш йўлида янги-янги корхоналар бунёд этилмоқда.

Иқтисодий ислоҳотлар эса изчиллик билан амалга оширилаётир.

Буларнинг барчаси ҳар бир оилага тинчлик, қут-барака ва фаровонлик бахш этишига қаратилгандир.

UZMAL OIL

«Ўзмалойл»

Ўзбекистон – Малайзия қўшма корхонаси

Ўзбек халқини озодлик байрами — Мустақилликнинг саккиз йиллиги билан қизғин ва самимий табриклайди!

Айни пайтда шуни ҳам алоҳида таъкидламоқчимизки, қўшма корхонамиз Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларни қўллаб-қувватлаб келмоқда. Бу борада биз ҳам куч-қувватимизни аямаймиз. Ватандошларимизни қутлуғ байрам билан табриклар эканмиз, барча фуқаролар соғ-саломат бўлсин! Оилалардан бахт-саодат ва фаровонлик аримасин!



Азиз юртдошлар, Ўзбекистон меҳмонлари!

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси сизларни мамлакатимиз Мустақиллигининг 8 йиллиги билан муборакбод этади.

Барчага бахт-саодат, фаровонлик, равнақ тилаймиз! Мустақиллик ҳурлик ва Истиқлолни тоабад асрагай.

Миллий авиакомпаниянинг самолётлари ҳаво уммони кенгликлари узра парвоз этиб, мамлакатлар, қитъалар, инсонларни дўстлик ва ҳамкорликка чорламоқда. Биз халқаро ҳамкорлик сари биринчилар қаторида йўл очаётганлигимиздан фахрланамиз. XXI аср бўсағасида миллий авиакомпания МДҲ мамлакатлари авиакомпаниялари ўртасида ва халқаро авиаташувлар бозорида етакчилар сафидан ўрин олиб, ёш давлатимизнинг халқаро ҳамжамиятдаги обрў-эътиборини оширмоқда.

Ўзбекистон Мустақиллигининг 8 йиллигини миллий авиакомпания яна бир муҳим воқеа билан кутиб олмоқда: биз янги «Боинг-757» самолётини олаяпмиз. Бу демакки, янги авиайўналишлар очилади, йўловчиларга хизмат кўрсатиш яхшиланади, парвозлар хавфсизлиги ошади.

Барчангизни байрам билан яна бир марта табриклаймиз! Мамлакатимиз осмони доимо мусаффо бўлсин!





Ўзбекистон акциядорлик тижорат саноат-қурилиш банки

«Ўзсаноатқурилишбанк»

Сизларни Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 8 йиллиги билан табриклайди

ва «VISA» халқаро пластик карточкалари бўйича хизмат кўрсатиш бошланганлигини маълум қилади.

Телефонлар:
133-64-03, 34-65-42.

«Ўзпахтасаноатсотиш»

акциядорлик уюшмаси

Барча юртдошларимизни Истиқлолнинг саккиз йиллиги билан қизғин табриклайди!





Истиқлол йўлидан дадил одимлаётган Ўзбекистон Республикаси қисқа фурсатда жаҳон ҳамжамиятидан мустаҳкам ўрин олди. Халқ хўжалигининг турли соҳаларида эришаётган ютуқларимиз салмоғи ошиб бормоқда. Айниқса, пахтачилик ва пахтани қайта ишлашда, уни хорижий мамлакатларга сотиш борасида тажриба тўпланди. Уюшмамизга қарашли корхоналар мамлакатимизнинг гуллаб-яшнашига муносиб улуш қўшмоқдалар. Янги, замонавий технологияларни ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш, фан ва техниканинг сўнгги ютуқларидан самарали фойдаланишга эришиляпти. Пахта толамиз тобора жаҳон бозорига чуқурроқ кириб боряпти. Демак, юртимиз довруғи янада кенг тараляпти. Серқуёш ва серфайз юртимизни тинчлик ва барқарорлик тарк этмасин!

Ўтмиш ва келажак кўзгуси

Тарих ва шахс

Андижоннинг Қорасувидан чиққан аллома замон Бўрибой Аҳмедов етмиш беш ёшга тўлибди! Яқинда Қўрғонтепанинг Қорасувида бўлганимда домладан ёши улуғроқ мўйсафидлар шундай дейишди:

— Бўрихон ёшлигиданоқ бирсўзлик эди. Узоқларга кетиб, она қишлоғимга олим бўлиб қайтаман, дерди. Қаранг-а, тақсир, ўз айтганини қилибди-я! Куни-кеча телевизорда кўрдик, тарихимиз, ўтмишимиз ҳақида жўяли гапларни айтди: тарихимизнинг билагони бўлибди — олимларнинг олими эмиш... Қанча-қанча олимлар шу ҳамқишлоғимиз — Бўрихоннинг етагида юрармиш...

Бунданда ортиқ тавсиф бўлмаса керак домла учун! Нафақат қишлоқдошлари, бутун мамлакат, МДҲ давлатлари, ўнлаб узоқ-яқин хориж мамлакатлари тарихчилари Бўрибой Аҳмедов изланишлари орқали Ўзбекистонимизни, унинг уч минг йиллик миллий тарихини яхши билишади.

Бўрибой Аҳмедов болалик орзусини бир кам 30 ёшда ТошДУнинг шарқ факультетини имтиёзли диплом билан битиргандан кейин амалга оширишга киришди. Тўртта — араб, форс, турк ҳамда рус тилларини билиши тарих манбаларини синчиклаб ўрганишга, узоқ ўтмиш ҳақиқатини тиклашда қўл келди. Натижада ўнлаб рисолаю китоблар ёзди.

Мен домланинг кўп суҳбатларида бўлганман. Домла қайта-қайта такрорлайдилар: **«Ўзбекистон мустақиллик ва истиқлол йўлига чиқиб олди. Биз қадимий ўлкамиз, кўҳна ва бой тарихга эгамиз. Яхши ўрганилмаган «оқ» ва «қора» доғларни аниқ ифода қилиш учун бутун умримни бағишлайман!»**

Аллома бутун умри давомида баҳоли қудрат кўп иш қилди ва қилмоқда. Унинг ижодида соҳибқирон Амир Темур ҳақида олиб борган тадқиқотлари ниҳоятда катта ўрин эгаллайди. **«Тарихни ёзган муаррих адабиёт майдонида ҳам жавлон уриши мумкин»,** деган эди бир суҳбатларида тарихчимиз.

Бу ўринда яна Амир Темурга мурожаат қилади Бўрибой Аҳмедов. Унинг соҳибқирон ҳақида тарихий романи юзага келди. Миллий давлатчиликнинг ўзига хос ва мос йўл-йўриқларини жаҳон тан олган даражада ишлаб чиққан ва жорий қилган («Темур тузуклари») буюк шахс — соҳибқирон Амир Темур ҳақида асар яратиш осон иш эмас, албатта. Атоқли шоир, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубов драма ёзишди. А. Суюн, Х. Даврон, Т.Мирзо, А.Самад, Е.Березиков, О.Бўриев, Т.Файзиев каби ижодкорлар ҳам соҳибқирон тўғрисида турли жанрларда асарлар яратдилар.

Алломанинг «Амир Темур» тарихий романи алоҳида ўрин тутади. Романда Амир Темурнинг бутун фаолияти ифода қилинган. Воқеаларнинг ривожи унинг «бошидан кечирган тарих» хронологик усулда баён қилинади, натижада маълумотнома тарзи нисбатан устун туради. Амир Темур ҳаёти ва фаолияти тарихий манбалар асосига қурилган. Шу боис асар тарихий-маърифий бадеа-роман сифатида номланади. Демак, воқеалар таҳлилида ёзувчи Б.Аҳмедовга нисбатан тарихшунос Б.Аҳмедов таъсири, нуқтаи назари алоҳида намоён бўлади. Амир Темурнинг руҳиятини ёритишда таҳлилий баёнга ён босилади.

Ўз-ўзидан маълумки, бугунги адабиёт, унинг ривожи ва турфа кўринишлари — Мустақиллик неъмати, келажак маёғи сифатида тарихий ҳақиқатга айланмоқда. Адабиёт тарих билан ҳамоҳанг, бир пиллапояда юксакликка интилади, давр ва замонни бирга таъриф-тавсиф қилиб, шахс камолотига катта ҳисса қўшади.

Ўрис босқинининг Кавказ орти талқини Л.Н. Толстойнинг «Ҳожимурод», А.С.Пушкин ва М.Ю.Лермонтов асарларида давр талаби ва талқини сифатида ифода қилинган. Демак, кавказликлар тарихий ҳақиқатнинг бадиий инъикоси-шахснинг ақлий, ахлоқий, мустақиллик ғояларини вояга етказишида адабиёт муҳим роль ўйнаган.

Муаллиф соҳибқирон Амир Темурнинг ҳақиқий образини яратишда унинг буюк давлат арбоблиги, буюк саркардалик истеъдоди, марказлашган давлатга асос солишдаги улкан салоҳияти, ислом маданиятини эгаллашдаги иқтидори, илм-фан, маданият за ободончиликдаги катта ташкилотчилиги, улуғ мақсадларни рўёбга чиқаришдаги ўткир шижоати, қатъияти, Ватани ва халқига масъул фидойилиги, тадбиркорлиги, зийрак ва ҳушёрлиги, талабчанлик ва рағбат меъ-

ёрини сақлай билиши каби ўнлаб фазилатларни маълум яхлитликда тарихий-бадиий гавдалантириши назарда тутади. Шу мақсадда унинг шахси, сиёсий-ижтимоий ва ҳарбий фаолиятидаги энг муҳим воқеаларни саналар бўйича тартибли баён қилишда ҳар бир тарихий фактга холисона ёндошади, ўрни-ўрни билан манбалар, ёзишмаларга мурожаат қилади. Натижада холисона баён илмий-тарихий манбалар билан уйғунлашиб, китобхонда шубҳага ўрин қолдирмайди. Бу усулнинг мақбуллиги шундаки, Амир Темур тарихига оид китоблардаги мавжуд зиддиятли томонларга муаллиф моҳирлик билан, даврни бекаму-кўст билиши нуқтаи назаридан аниқлик киритган.

Романнинг муҳим хусусияти — унинг жаҳон адабиётига қўшган тарихий жараёнларни илмий-бадиий ифода қилишида ҳам.

Асар буюк соҳибқирон Амир Темур сиймосини тарихий-бадиий гавдалантириши жиҳатидан алоҳида таҳсинга сазовор. Ўқувчи романни ўқиб тугатади. Унинг кўз ўнгида ўз бобокалони бўлмиш, ҳайбатли ва мураккаб шахс Амир Темур қад ростлайди. Ўз навбатида ўқувчида «Куч — адолатдадир» дея тарихда янги давр яратган, марказлашган давлатга асос солган, ҳарбий-сиёсий салоҳияти билан жаҳонни ларзага келтирган соҳибқирон Амир Темурни улғайтирган Ватан ва халқимизга шукроналик тобора тўлқинланиб боради. Яъни, муаллифнинг бадеа-романни яратишдаги бош мақсади ҳам ана шундадир.

Мен аллома тарихчининг ижодини тўрт йўналишга бўлган бўлардим: 1. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи ва этнографияси; 2. Ўрта ва Марказий Осиё халқларининг X-XIX асрлардаги ижтимоий-сиёсий тарихи; 3. Амир Темур ва темурийлар даври; 4. Манбашунослик.

Атоқли тарихчининг тўрт юзга яқин мақола, рисола ва китоблари нашр қилинган.

Аллома ўтган йили Президентимизнинг тарихчи олимлар, журналистлар билан учрашувидан ниҳоятда илҳомланиб, ҳозир иккита қўлёзмани нашрга тайёрлади: «Манбашунослик» ва «Ўзбекистон тарихидан» дарслик. Ҳа, дарвоқе, яқинда нашр қилинган «Ватан тарихидан ҳикоялар» бешинчи синф ўқувчилари томонидан илиқ кутиб олинди.

Академик Бўрибой Аҳмедов Президент девони ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академиясининг ижтимоий-илмий Кенгаши ҳамда Халқ таълими вазирлиги Республика Таълим марказининг «Ўзбекистон тарихи» илмий-методик Кенгаши раиси ва бир қанча нашрлар таҳририятлари аъзоси ҳамдир.

Умр — оқар сув. У тўлибтошиб, тиниқ ва лойқа бўлиб оқади. Бўрибой Аҳмедов ҳаётини дарё, ниҳоятда тиниқ ва сокин — гўё чуқур сув тагидаги инжу-тошлар кўринадиган қалб кўзгусига ўхшатгим келади. Домла илоё юзга кириб, тарихимизни тиниқлаштиришда сира чарчаманг!

К. НОРМАТОВ,
тарих фанлари доктори, профессор.

«Шоҳларга ҳам осон эмас...»

Таниқли санъаткор, «Ўзбекнаво» гастрол концерт бирлашмаси Андижон вилоят бўлими яккахон хонандаси, «Шуҳрат» медали соҳиби Турсунбой Парпиев ижро этган қўшиқлар ўз мухлисларини топа олди.

Ижро услуби ҳақида гап кетганда, аввало шуни таъкидлаш керакки, Хоразм усулида қўшиқ эшитсангиз баданингизда нимадир ғимирлагандек бўлади, беихтиёр елкаларингиз қимирлай бошлайди. Ўйноқи, одамни жунбушга келтирадиган оҳанг бор. Ўта нозик пардаларда назокат билан ижро этилган ашула кўнгилга ҳаёт завқини солади. Воҳа усулида эса дарёлар тошқини, отлар дупури, салобат-ла қўр тўкиб турган дарахтларнинг шоввуллаши, бургутларнинг шиддатли парвози гоҳ дўмбира оҳангларида, гоҳ бўғиз найчаларининг тебранишларида қўшиқ бўлиб таралади. Тингловчига қувват бағишлайди. Водий услубида эса ўткинчи умрга мазмун бахш этувчи, инсонни бир нафас бўлса-да ўзлиги ҳақида ўйлашга, эртанги кунни онгли бошқаришга ўргатувчи оҳанг бор. Кумуш бибининг кулгичи остида яшринган маъюс нигоҳи акс этади қўшиқларида. Менга эса бу учлик ватаннинг тимсоли, мукаммаллиги, бир бутунлиги бўлиб кўринади. Турсунбой Парпиев ижро этган «Шоҳларга ҳам осон эмас, шоҳларга ҳам» ашуласида оддий фуқаролар кўнглида уйғонувчи: бу подшоҳ-да, бунинг нима ғами бор, қабилидаги фикрларга қарши ўлароқ ҳаққоний мантиқ бағишловчи уйғоқ фикр мавжуд.

Тарих саҳифаларида номлари муҳрланган шоҳларни қўшиқда зикр этиш орқали шоҳлар атрофида бўладиган воқеалар таърифланади: Шоҳларга ҳамду сано ўқийдиганлар кўп, аммо соф сўз айтгувчилар кам, шоҳларга ҳам осон эмас, шоҳларга ҳам.

— Турсунбой ака, сизнинг ижро услубингизда салобатли ашулалар кўпроқ ўрин олган. Лекин бугун енгил-елпи қўшиқлар кўп. Эргашувчи, тингловчи ҳам кўп. Қўшиқ мазмуни йўқ, тақир-тўқур, ажабтовур куй. Демак, шунга ҳам талаб бор экан-да. Бу ҳолат сизни қийнамайдими?

— Мен яшаб қоладиган қўшиқларни хуш кўраман. Эътибор қилинг, бир йилда қанча қўшиқ яратилади, шундан қанчасининг тингловчиси бор? Ёки бир айтилиб, бошқа айтилмаётгани қанча? Ахир меҳнат қилиб яратилмаган қўшиқ халқ қалбига йўл тополмайди. Сиз айтаётган енгил-елпи қўшиқларнинг тингловчилари халқнинг асосини ташкил қилмайди. Халқни эса алдаб бўлмайди. Ғурурини, маънавий қадриятини сақлаш, улуғлаш ҳар бир фуқаро учун бурч.

— Шеър қалб кўри, юрак тафти билан ёруғликка келади. Шеърда шоирнинг руҳи, дунёқараши, маънавияти акс этади. Баъзи қўшиқчилар ўзлари шеър ёзиб, ўзлари куй басталаб катта-катта саҳналарда куйлашмоқда. Сиз бунга қандай қарайсиз?

— Санъат бўстонига яхши ният билан кириб келган борки, эл суйган ҳофиз бўлишни истайди. Ўзи шеър ёзиб, ўзи айтадиганлар аввало бирор устоз шоирга шеърларини кўрсатиб оласалар ёмон бўлмасди. Маънисиз қўшиқлар болаламаган, ҳақиқий мухлислари дилини камроқ ранжитган бўларди. Хонанданинг энг катта масъулияти шеър танлай билишида. Қолаверса, ҳар бир хонанданинг ўз айтиш услуби, овоз тембри мавжуд. Шеърдаги баъзи сўзлар оҳангдорликни, услубни бузиши мумкин. Шундай пайтда хонанда ўз айтиш оҳангига мослаб

сўзни ўзгартира олиш қобилиятига ҳам эга бўлиши керак. Ашуланинг мукаммаллиги шунда.

— «Шоҳларга ҳам осон эмас, шоҳларга ҳам» деган қўшиғингиз бор. Мен ўйлайман, шўролар даврида бундай ашулаларни айтиш мумкин эмасди. Дарров миллатчига чиқариларди. Қолаверса, мантиқан чуқур, сермаъно қўшиқ экан.

— Мустақиллик санъаткорларга ҳам эркин қўйлаш имконини берди. Кўпчилик ҳофизларимиз чет элларга бориб концерт беришаяпти. Яна Ўзбекистонимиз номидан. Чеклашлар йўқ. Хонандага саҳна

Санъат оламида

таъқиқланмаган. Худога минг қатла шукр, мана яқин кунларда истиқлолимизнинг саккиз йиллик тўйини нишонлаймиз. Аввало, мамлакатимиздаги осойишталикка, тинчликка кўз тегмасин! Энди «Шоҳларга ҳам осон эмас, шоҳларга ҳам» ашуласига келсак, ушбу шеърни қўлимга олиб, ўқий бошлаганимда ўтмишда яшаган буюк шоҳлар қатори мустақиллиқни яратаётган Президентимизга осон эмаслиги илк бор кўз олдимга келди. Февраль воқеалари шу қўшиқни айтишга ундади мени.

Эй, мен билган билмаган дунё,
Заррадан то коинот қадар,
Ҳам аён, ҳам тилсимот қадар
Ақлим бовар қилмаган дунё...

Куй, қўшиқ инсонни гоҳ осмон тоқига, гоҳ баланд чўққилар қучоғига, гоҳ уммонлар қаърига, гоҳ гуллар бағрига етаклайди. Қўшиқ дунёнинг борлигини, мазмун-моҳиятини, одам боласининг тириклик оламини эга солаверади. Гоҳ ғунча баргидан ширин бўса оласан, гоҳ шум тақдирнинг сўқмоғида қоқиласан, гоҳ ёрнинг сумбул сочларига тананг чирмашади, гоҳ ёлғизлик азобида қовриласан. Бунча сирли қўшиқларга сингиган дунё!

— Турсунбой ака, сиз «Тико», «Дамас», Нексия» ҳақида ҳам қўшиқ қилгансиз. Мен бундай қўшиқ чиқмасов, шунчаки айтилганда деб ўйлагандим. Эшитиб билдимки, санъат даражасига олиб чиқилган экан. Сўраганни айби йўқ, қўшиқ қилишга ундаган нарса манфаатдорликми?

— Асло йўқ! Мен ўша Ўзбекистон машинасозлигига асос солган заводнинг шундоқ ёнида яшайман. Ахир ўз ватанингда шундай машиналар ишлаб чиқарилса-ю, ғурурланмай бўладими?! Мен бу қўшиқни айтиб ўзбекнинг қудратини яна бир бор кўз-кўз этгим келди. Кўчаларга қаранг қушдек енгил, худди ҳавода учиб юрган каби ўз машиналаримизнинг кўркини, мустақил бўлмаганимизда ҳаёл қилиш мумкин эди холос буни.

— Сизга анъанавий савол: қайси шоирларнинг шеърларини кўпроқ қўшиқ қилгансиз?

— Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, кейинчалик Тўлан Низом, Турсуной Содиқова шеърларини, яқинда Азим Суюннинг «Кўзмунчоқ» шеърини ашула қилдим.

— Дўстлик ҳақида ҳам қўшиқлар айтгансиз, ҳозирги кундаги дўстга содиқлик, меҳр-вафонинг «муомала»дан кўтарилиши, ҳатто дўстлик ҳам пул билан ўлчанаётганлиги таъсир қилдими ёки...?

— Аслида шундай. Замон эканда, содиқ дўст топиш азоб. «Замонлар ўтар, давронлар ўтар, Кувончли, қувончсиз ҳар онлар ўтар. Биз ҳақда юз минг хил гумонлар ўтар, Дўстим, дўстлик қолар, дўстлик абадий». Ашула ўзимга ҳам ёқади. Чунки, дўстлик ҳам инсоний фазилат. Кишини эзгуликка етаклайди. Хато қилсанг юзингга ботиниб айтадиган, тўғри йўл кўрсатадиган дўстларга нима етсин. Мени ташвишлантирадиган яна бир нарса — диёнатсизликдир. Бир гал: «Эй, дўстларим дунёда аҳли диёнат яхши, ҳар замон бир бўлса-да ваҳми қиёмат яхши», — дея қўшиқ ҳам айтганман.

Катта йўлга чиққан инсон ортга қайтолмайди, Оқим уни қай сари бошлайди, равонликками ёки боши берк кўчага, ўзига қоронғу. Шўнинг учун ҳам Турсунбой Парпиев «Боши берк кўчада қолиб кетмайин..» — дея хиргойи қилади, аввало не машаққатлар билан яратаётган ашулалари элга манзур бўлишини, ёруғлик кўришини ўйлайди. Инсонга хос ташвиш. Кўнгилга хуш кайфият бахш этувчи оҳанг. Ўзлик сари йўл. Дарвоқе, Туркиядаги Евроосиё радио тўлқини Турсунбой аканинг сара қўшиқлари жамланган касетасини сўратиб олибди. Ўзбек овози дунё узра жарангласа ажабмас.

— Бу йил — Аёллар йили деб эътироф этилди. «Оламда аёл мадҳига достон тугамайдир... ашуласи ҳам шу муносабат билан яратилгандир?

— Тўғри топдингиз. Бундан ташқари Муҳаммад Юсуфнинг «Ўзбек аёли», Тўлан Низомнинг «Ўзбекнинг аёллари», Муҳаммад Алининг «Аёл», Турсуной Содиқованинг тарбиявий йўлда ёзилган «Андижонлик ойимлар» шеърларини қўшиқ қилганман.

— Яна бир анъанавий савол, оилангиз ҳақида ҳам тўхталсангиз?

— Умр йўлдошим тиббиёт ходими, туғуруқхонада ишлайди. Уч нафар ўғлим бор. Исмлари: Мансур, Бобур, Жасур. Барчасининг санъатга ихлоси бор. Қўшиқларимни ёддан билишади. Ўзимча мақтаниб юраман: рафиқамнинг исми Ўзбекистонда ягона. Айтаймми? Гуёхон.

Турсунбой Парпиев санъат соҳасидан ташқари жамоат ишларида ҳам фаол қатнашиб келаркан, мана бир неча йилдирки, вилоят «Наврўз» жамғармаси Асака ҳудудий бўлимини бошқаради.

Қўшиқ айтгувчини гоҳ сел қилади, гоҳ кўнглини нам қилади. Хонанда «Меҳр кўзда деганлари ёлғондир...» — дея ҳайқиради. Қўшиқ гоҳ алла бўлиб дунёнинг бошини силовчи, гоҳ ҳайқириқ бўлиб тало-тўпга бошловчи куч. Турсунбой Парпиев айтганидек: **Элу юрт оромин асраган зотлар, Эл меҳри асрасин сизни ҳар жойда...** дегим келади.

Юсуф ЖЎРАЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

***

Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат

«Турон» банки

Ўзбекистон Республикасининг кўп миллионлик халқини Мустақилликнинг



8

йиллиги билан чин қалбдан муборакбод этади.

Мустақилликнинг ҳар лаҳзасида асрларга татигулик буюк ўзгаришлар содир бўлмоқда. Ҳаммамиз ушбу зафарларни қутламоғимиз ва қадрига етмоғимиз зарур. Ота-боболаримиз асрлар оша орзу этган улуғ Озодлик қуёши балқиган осмонимиз ҳамиша мусаффо бўлсин!

«Турон» Акциядорлик тижорат бирлаштирув банки жамоаси

«Тарона» ўйланмаси

Азиз газетхон! Изоҳлари баён этилган сўзларни топиб, шаклда белгиланган хонадан рақам атрофига соат мили йўналишида ёзиш билан ўйланмани ечинг.

1. Мақом мулкининг «хазиначиси», Шарқ мусиқа маданияти намояндаси, устоз хонанда, бастакор, академик. 2. Оммалашган халқ рақс куйи. 3. XIII асрдан XVIII асрга қадар Ўрта ва Яқин Шарқ халқлари мусиқасида қўлланилган, ҳозир уйғур мусиқасида сақланган «12 мақом» таркибига кирувчи шўъбалардан бири. 4. Моҳир қўшиқчи, санъаткор. 5. Пуфлаб чалинадиган мусиқа асбоби. 6. Лирик оммавий қўшиқ ва рақс билан ижро этиладиган халқ куйларидан бири. 7. Муҳамад Юсуф шеъри билан Ғуломжон Ёқубов ижросидаги қўшиқ. 8. Соз чалиб, достон ва термалар ижро этувчи санъаткор. 9. Мамлакатимиз театр саҳнасининг илк раққосаси. 10. Ғижжакни чалишда қўлланиладиган торли мослама. 11. Мусиқа асарининг бошланиш қисми. 12. «Шашмақомнинг» ашула бўлимидаги биринчи гурухга кирадиган шўъбалар номи. 13. Ўрта аср қомусий олими, «Мусиқа ҳақида катта китоб» асари муаллифи. 14. Ўзбек халқ қўйларидан бири. 15. Ватанимизда фаолият кўрсатган ашула ва рақс гуруҳи. 16. Қўшиқ билан ижро этиладиган хоразмча рақс куйи. 17. Доира ва қўнғироқчалар билан ижро этиладиган бухороча рақс. 18. Асосан аёллар қуй ижро этиб келган тилчали чолғу асбоби. 19. Устоз санъаткор Мукарамма Турғунбоева саҳналаштирган рақслардан бири. 20. Торли мусиқа асбобларидаги товуш бўғинлари. 21. Ҳамид Олимжон шеъри, Юнус Ражабий мусиқаси билан айтиладиган ҳазин ашула. 22. Торли, чертиб чалинадиган мусиқа асбоби. 23. Қўшиқнинг такрорланадиган қисми. 24. Ўрта аср мусиқашунос олими, «Рисоли мусиқий нодир» асари муаллифи.

Муаммонома. Ўйланма жавоблари асосида қуйидаги рақамлар жуфтини (биринчиси сўз, иккинчиси эса ҳарф тартибини англатади) тааллуқли ҳарфлар билан алмаштириб, муаммономани ҳал этинг.

11-3; 9-2; 5-1;6-2; 18-4; 10-2.
7-4; 4-3; 2-5; 12-7; 8-1.
10-1; 17-2; 13-5; 15-5.
2-3; 19-2; 7-7; 11-6; 20-2; 16-4 21-5.
24-6; 23-2; 1-1; 5-7; 14-3; 8-2; 22-5
1-5; 12-2; 3-6; 6-6; 17-2.
19-1; 16-2; 3-3; 20-5; 23-7; 9-2;
14-3; 18-1; 4-4; 22-1; 15-5; 13-3.

Унда Шарқ халқ ҳикматларидан бири аён бўлади.

Тузувчи
Фозилжон ОРИПОВ

«Муаммонома» ўйланмаси жавоблари

Энига: *5. Асад. 6. Беҳи. 9. Хантал. 10. Ботуми. 13. Шаҳрисабз. 16. Омоч. 17. Кабоб. 18. Зеби. 21. Умаров. 22. Монако. 25. Мусамуҳаммедов. 26. Қорабайр. 27. Обташ.*

Бўйига: *1. Шайхонтоҳур. 2. Жамна. 3. Феруз. 4. Жибилажибон. 7. «Қасам». 8. Шанба. 11. «Ўртар». 12. Устоз. 14. Қорасув. 15. Семафор. 19. Хонақоҳ. 20. Комедия. 23. Мураббо. 24. «Камалак».*

Муаммонома. Очқич: 1. Булбул. 2. Жом. 3. Курс. 4. Фоиз. 5. Кўмир.

Ҳикмат: *Фикр — жисму, сўз — либос.*



Тошкент Давлат университети физика факультети томонидан Эназарова Зулхумор Аҳмаджоновна номига 1989 йилда берилган № УВ—I 057324 рақамли олий маълумот ҳақидаги диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Бахтиёр ҲАМИДОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Сиёсат — 133-20-36
Иқтисодиёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-76-04
Котибият — 133-21-43
Факс — 133-38-55, 133-47-80, 133-73-43, 133-06-83

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-12-56;
Урганчда — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 4-61-35;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир Қўчқор НОРҚОБИЛ, навбатчи Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ.

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр ЖУМАНОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Руйхатдан ўтиш тартиби №00004
Газета офсет усулида, А—2 форматда, 18.117 нусхада босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
Г — 0624

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 0 4 .00.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА